



Шомий домланинг оқ салла ташвиқотчилари (Кодирий)



Сахар ногорасини кокиш олдидан сурнай «Наво»ни эзиб бошлаган эди.

Ёш-яланглар Шайхантахурдан таркала бошлаганда биз худда Дегроз махалласидан ўтдик. Думахонанинг марҳамати билан унда-бунда ўтказилган «интриксфанор»нинг заиф ёругини менсимаган катта кўча зулматида ажойиб ва нуроний бир манзар аста-аста тўрт тарафка таркалмокда; бугун кўча оппок салла билан тўлган, бели мукчайган, суянчиғи

факат хасса бўлиб колган чоллар, олдинда кўл ковуштириб, фонус кўтариб кетаёткан ёш муллабаччалар оркасидан тўда-тўда бўлиб кетишиб борадир. Бундай милтиллаган фонусларнинг боши билан оёгига кўз етиб бўлмайдир. Биз хайрон бўлдик, нима гап бўлганини билмак орзусига тушдик, булар качон соб бўлар экан деб, кўчанинг бир четида турдик. Ха, деганда буларнинг кети узилмайди, ногора чалиниб бўлди, карасак, «сахарлик»дан коладурғанмиз. Бизнинг маҳалла томонига ажралган беш-олтита мўйсафидлар билан биргалashiб кетдик.

Ёнимдаги шеригим халигиларни гапка солди: буларнинг ичидағи бир писмик чол хеч индамади. Биртаси «таравихдан тарқадик» деб сўзни битирди. Бир соддароги Шомий домланинг мадхларига тушди. Биз хам сўз ораларида маҳтаб-маҳтаб кўйиб эшитдик: — Домланинг садагалари кетай, — деб бошлади халиги солла мусулмон, — у кишининг билмаган илмлари, ўкумаган китоблари, дунёда бормаган, кўрмаган жойлари йўк... Биз билдики, булар Дегроз мачитида таравихдан кейин Шомий домланинг «масала»ларини эшиткали йигилар эканлар.

Писмик чолнинг «мазмунлик йўталиб кўйиши»ни онгламай халиги содда мусулмон сўзда давом этди:

— ...Арабистон, Миср, Чин, Мочинларни юз марталаб айланганлар. Хар бир мушкил масалаларга дарров жавоб айтадирлар. Бу кишининг масалаларини эшитмак учун Дегроз мачитига ўн икки дарвозадан гала-гала мусулмонлар йигиладирлар. Бу кун чамаси икки мингдан ортигрок одам бор эди. Рўза, хаж, закот, фитр, хайр, нифос масалаларидан ташкари шу замон гапларидан хам айтиб кўядирлар, деди.

Писмик чолнинг нафаси тикилиб, олонглай бошлади. Замон холидан, дегандан кейин биз халиги дилкаш отамиздан Шомий домланинг ёшларга кандай карашини сўрай бошладик. Писмик чол ёшлардек тетик бўлиб югуриб, дилкаш отамизнинг ёнига ўтди. Дилкаш отамиз бу тўгрида домламизнинг фикрларини айтиб бермакка киришкан эди.

— Ёшларнинг мўйсафид ва уламоларга хурматсиз қарашлари динни заволга олиб бормокда, деб домлам кўб гамгин бўладирлар...

Сўз шунга етканда дилкаш отамизнинг тили тўсатдан тўхтади. Кулок солиб турсак хеч ун чикмайдир. Сездикки, писмик чол югуриб тушкандан кейин дилкаш отамизга бир бало килгандир; лекин мен ўзим писмик чолнинг хасса билан тутиб кўйганини хира-шира кўрган эдим. Тутилмаган вактда халиги дилкаш отамиз бизга кўб нарсаларнинг хакикатини балки айтиб берар эди. Балки шу домланинг эскиларга ва ёшларга бошка-бошка гапириб тириклий килганликларини, яъни мунофикдик билан умр кўрганликларини, мунофикликнинг уламолар фойдасига жоиз эканлигини, балки ўзларининг ётиб чикканликларининг сабабларини ва бошка сўзларни бирин-бирин айтиб берар эди.

Шомий домлага бир маслаҳатимиз бор: таравих ва хатм баҳонаси билан зўргатдан ташкил эткан одамларини тозалаб олсинлар, халиги «маҳмадана» чолдек оғзи бўшларни, сирларини хар кимга айта берадурган лакмаларни ўз сухбатларидан чикариб юборсинлар, факат маҳалла-кўйлардаги хеч нарсадан хабари йўк одамларни авраб, Шомий домлага «мурид-мухлис» кўпайтиргучи пишик ва писмикдарни колдирсинглар.

«Кизил Ўзбекистон»,
1925 йил, 16 апрел.

Абдулла Кодирийдан